

Муҳаммад ҲАКИМОВ

**ЎЗБЕК  
ПРАГМАЛИНГВИСТИКАСИ  
АСОСЛАРИ**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА  
ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҶОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**Муҳаммад ҲАКИМОВ**

**ЎЗБЕК  
ПРАГМАЛИНГВИСТИКАСИ  
АСОСЛАРИ**

Тошкент  
«Akademnashr»  
2013

УЎК: 811.512.133

КБК: 81.2Ўзб

Ў20

Ў20

**Ўакимов, МуЎаммад**

Ўзбек прагмалингвистикаси асослари / М.Ўакимов; масъул муЎаррир А.Нурмонов. – Тошкент: Akademnashr, 2013. – 176 б.

ISBN 978-9943-4254-1-5

УЎК: 811.512.133

КБК: 81.2Ўзб

*Мазкур монография тилшуносликда етарлича тадқиқ этилмаган прагмалингвистика муаммоларига бағишланган. Ишда лингвосомиотиканинг таркибий қисмлари ҳисобланган семантика, сигматика, синтактика ҳамда прагматиканинг умумназарий масалалари ёритилган. Белгининг мантиқий, фалсафий, ижтимоий, психологик ва прагмалингвистик хусусиятлари таҳлил қилинган.*

*Монография тилшунослик назарияси билан қизиқувчи докторант, магистрант ва тилшунос мутахассисларга мўлжалланган.*

#### **Масъул муЎаррир:**

**Нурмонов А.**, филология фанлари доктори, профессор

#### **Тақризчилар:**

**Искандарова Ш.**, филология фанлари доктори, профессор,

**Набиева Д.**, филология фанлари доктори, профессор

*Мазкур монография Фарғона давлат университети Илмий кенгаши-нинг 2013 йил 31 майдаги йиғилишида муЎокама қилиниб, нашрга тавсия этилган.*

ISBN 978-9943-4254-1-5

© МуЎаммад Ўакимов  
«Ўзбек прагмалингвистикаси асослари»  
© «Akademnashr», 2013

## КИРИШ

Ўзбекистон Республикасининг мустақил давлат сифатида ривожлана бошлаганлиги, фан ва маданиятнинг миллат манфаати учун хизмат қилмайдиган мафкура гирдобидан қутулганлиги, миллатга бўлган ҳурматнинг асл намунаси сифатида тилимизга давлат тили мақомининг берилганлиги ўзбек тилшунослиги ҳамда тилшунос олимлари олдига ғоят муҳим ва масъулиятли вазифаларни қўймоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов таъкидлаганидек, бугунги кунда «... фаннинг вазифаси келажакимизнинг шакл-шамойилини яратиб бериш, эртанги кунимизнинг йўналишларини, табиий қонуниятларини, унинг қандай бўлишини кўрсатиб беришдан иборат... Одамларга мустақилликнинг афзаллигини, мустақил бўлмаган миллатнинг келажакга йўқлигини, бу бир табиий қонуният эканини исботлаб, тушунтириб бериш керак. Фан жамият тараққиётини олға силжитувчи куч, восита бўлмоғи лозим».<sup>1</sup> Шу нуқтаи назардан бугунги ўзбек тилшунослиги фани ҳал қилиши лозим бўлган масалалар фақат халқ манфаати ва мустақил давлатнинг ҳар жиҳатдан ривожланиши учун хизмат қилишга қаратилмоғи зарур.

Инсоннинг сўзи унинг мафкурасини белгилайди. Инсон ўз нутқи орқали объектив оламга бўлган муносабатини ифодалайди, шу билан бирга, миллий ўзлигини ҳам намойиш этади. Инсоннинг дунёқарashi, онги, шуури, ҳиссиёти, идроки, билими, ҳаётий тажрибаси, имон-этиқоди, умуман, инсон ижтимоий фаолиятида намоён бўлувчи сиёсий-мафкуравий, фалсафий, ахлоқий, диний ва эстетик қарашлари мужассамланган нутқининг таҳлили ва прагматик талқини кишиларнинг бугунги миллий мустақиллик даврида қайноқ ҳаёт жабҳаларидаги ўрнини белгилашда муҳимдир. Шу маънода инсон ижтимоий фаолиятини ўзида тўла акс эттирган «ҳаракат»даги, «жонли» нутқининг инсон мафкураси билан боғлиқ сиёсий ва лисоний ҳамоҳанглиги танланган мавзунинг ўта долзарблигини билдиради.

Ҳозирги кунда «тилни мазмуний аспектда текшириш лингвистиканинг асосий масалаларидан бирига айланган».<sup>2</sup> Лингвистик

<sup>1</sup> Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. – Тошкент: Шарқ, 1998. – Б.25.

<sup>2</sup> Падучева Е.В. О семантике синтаксиса. – М., 1974. – С.70.

прагматика Европа тилшунослигида кенг қамровли назария сифатида анча чуқур ўрганилган, бироқ бу йўналишдаги жуда кўп тадқиқотларда лингвистик прагматикани оддий тушунишдан тортиб унинг назарий аспекти муҳим координатларигача кўрсатилган асарлар ҳам учрайди. Ўзбек тилшунослигида эса лингвистик прагматика назариясига оид тушунчалар мавҳумий даражада эканлиги тадқиқотчи зиммасига кўп илмий-амалий масалалар юклайди. Айниқса, бу масалага оид муаммоларни системалаштириш, унинг лингвистик асоси – нуқталарини кўрсатиш ҳамда лингвистик материални семиологик аспектда таҳлил қилиш муҳимдир.

Гап ва матн каби синтактик бирликларнинг семантик жиҳати турли томондан чуқур ва атрофлича тадқиқ этилмоқда, матннинг семантик тузилишини мураккаблаштирувчи яширин мазмуннинг хилма-хил кўринишлари ўрганилмоқда. Синтактик бирликларнинг семантик ва прагматик тадқиқи билан алоқадор баъзи масалалар ўзбек тилшунослигида ҳам у ёки бу даражада ҳал қилинмоқда.<sup>3</sup> Синтактик бирликлар (гап, матн)нинг шаклий тузилишида бевосита ифодаланмайдиган, аммо унинг семантик табиатида доимо у ёки бу тарзда иштирок этадиган прагматик мазмун элементлари тилшунослар диққатини ўзига жалб қилиб келмоқда. Бу масалалар ўзбек тилшунослигида ҳанузгача монографик асосда тадқиқ этилгани йўқ.

---

<sup>3</sup> Нурмонов А. Қўмакчили конструкциялар пресуппозицияси // Ўзбек тили ва адабиёти. 1986. №6. – Б.42 – 45; Маҳмудов Н. Пресуппозиция ва гап // Ўзбек тили ва адабиёти. 1986. №6. – Б.28 – 31; Нурмонов А. ва бошқалар. Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси. – Тошкент: Фан, 1992; Сайфуллаева Р. Ҳозирги ўзбек тилида қўшма гапларнинг шакл-вазифавий талқини: Филол. фан. докт... дисс. – Тошкент, 1993; Раҳимов У. Ўзбек тилида юкламалар пресуппозицияси: Филол. фан. номз... дисс. автореф. – Самарқанд, 1994. – Б.23; Маҳмудов Н., Нурмонов А. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. – Тошкент, 1995; Саидхонов М. Новербал воситалар ва уларнинг ўзбек тилида ифодаланиши: Филол. фан. номз... дисс. автореф. – Тошкент, 1993. – Б.26; Тоҳиров З. Ўзбек тилида прагматик семаларнинг ҳосил бўлиши ва уларда субъектив муносабатнинг юзага чиқиши: Филол. фан. номз... дисс. автореф. – Тошкент, 1994. – Б.25; Лутфуллаева Д. Тасдиқ гапларда инкор ва шаклий-мазмуний номувофиқлик: Филол. фан. номз... дисс. автореф. – Тошкент, 1997. – Б.26; Мўминов С. Ўзбек мулоқот хулқининг ижтимоий-лисоний хусусиятлари: Фил. фан. докт... дисс. автореф. – Тошкент, 2000. – Б.27.

# I БЎЛИМ. ЛИНГВИСТИК БЕЛГИНИНГ УМУМСЕМИОЛОГИК ТАБИАТИ

## Лингвистик прагматиканинг амалий шаклланиши

Тилшунослик тарихида инсон нутқий фаолияти билан боғлиқ масалаларни ўрганиш муҳим илмий-назарий аҳамият касб этиб келмоқда. Ҳар қандай фан тараққиёти муайян босқичлардан иборат. Улар ўз даври учун янгилик сифатида намоён бўлса, кейинги даврлар учун фан асосларининг шаклланишида назарий манба вазифасини ўтайди. Шу боис ҳар бир даврга хос қарашлар фан тараққиётига хизмат қилувчи омил сифатида баҳоланади. Инсон нутқий фаолияти билан боғлиқ масалалар лисоний таълимот асоси саналади. Замонавий тилшунослик экстралингвистика, интралингвистика ва компаративистика тармоқларидан иборат бўлиб, уларнинг барчасида инсон нутқий фаолияти ўрганилади. Маълумки, нутқда инсоннинг фикри билан бирга унинг руҳий олами ҳам ўз ифодасини топади. Нутқдаги ошкора ва яширин маъноларни тадқиқу таҳлил қилиш, инсоннинг ўзлигини нутқи орқали намоён этиши каби масалаларни ўрганиш бугунги ўзбекона тафаккур тарзи, миллий мафкура ва миллий ғоя тушунчаларининг моҳиятини очишда муҳим ўрин тутаяди. Шу нуқтаи назардан инсоннинг объектив оламдаги ижтимоий фаолияти инъикоси бўлган унинг «ҳаракат»даги, «жонли» нутқини тадқиқ этиш фақат назарий тилшунослик учунгина эмас, балки унинг психолингвистика, социолингвистика, лингвистик география, коммуникатив тилшунослик, нейролингвистика каби умумтармоқлари учун ҳам катта аҳамиятга эгадир.

Инсоннинг объектив оламдаги барча ижтимоий хатти-ҳаракатлари унинг нутқий фаолиятида ўз ифодасини топади. Шунинг учун инсон нутқини ўрганиш унинг маънавий олами билан танишиш имконини беради. Прагматика тилшунослик фанининг янги бир назарий ва амалий тармоғидир. У инсоннинг ижтимоий фаолиятини ўзида акс эттирувчи нутқий жараён, нутқ иштирокчиларига хос коммуникатив ният, нутқий вазиятнинг таъсири билан алоқадор масалаларни ўрганади. «Прагматиканинг манбаси Ч.Пирс, У.Джемс, Д.Дьюн, Ч.Моррис каби таниқли файласуф олимлар номи билан боғлиқдир. Чунки уларнинг ишларида (XIX

асрнинг охири ва XX асрнинг бошларида) белгилар системаси ва лингвистик белги функционалиги хусусидаги ғоялар ўртага ташланиб, семиотика ҳақидаги асосий тушунчалар аниқланади, синтактика, семантика ва прагматика ўртасидаги ўзаро фарқлар кўрсатилади».<sup>4</sup> Прагматика грекча *pragmos* сўзидан олинган бўлиб, «иш», «ҳаракат» маъноларини беради. Прагматика лингвистик белгиларнинг нутқдаги функционал қўлланишини ўрганadi. Шунинг учун тилшуносликнинг бу йўналиши семиотика тармоқларидан бири саналади. Прагматика термини XX асрнинг 30-йилларида Ч.И.Моррис томонидан илмий муомалага олиб кирилган. У семиотикани семантика, синтактика, прагматика каби таркибий қисмларга ажратади. Тилшунослиқда прагматиканинг янги тадқиқот объекти сифатида юзага келиши ва ажратилиши, юқорида таъкидланганидек, Ч.С.Пирс ғоялари, шунингдек, Ж.Р.Остин, Ж.Р.Серл ва З.Вендлерларнинг 60 – 70-йиллардаги мантикий-фалсафий қарашлари асосида юзага келган нутқий акт, Пола Грайснинг маънонинг прагматик таҳлили ва Л.Линский, Ж.Р.Серл, П.Ф.Стросонларнинг референция назариялари таъсири билан узвий боғлиқдир. Ж.Р.Остин, Ж.Р.Серл ва З.Вендлерларнинг нутқий акт назарияси таълимоти таъсирида лингвистик прагматиканинг шаклланиши учун маълум асослар яратилди. Чунки нутқий акт тушунчаси моҳиятига кўра сўзловчи нутқда коммуникатив ният акс этади. Коммуникатив ният эса нутқий актларнинг кўринишлари сифатида нутқда намоён бўлади. Нутқий актлар йиғиндиси нутқнинг мазмунини ташкил қилади. Сўзловчининг муносабати эса нутқий актлар воситасида шаклланади. Бунда инсон тилининг ибтидоий шаклланишидан тортиб то унинг мураккаб мазмуний тузилишига қадар бўлган лингвистик хусусиятлари нутқий акт муаммолари сифатида талқин этилади. Нутқий акт назариясига хос ҳар бир тадқиқий талқинда нутқ субъектининг олами билиш ва ҳис қилишдаги тасаввур кўрсаткичларининг нутқдаги даражалари ҳисобга олинади. Нутқий акт назариясига хос мана шундай ўзақ тадқиқий талқин лингвистик прагматика тармоғининг шаклланиши учун асосий мезон вазифасини бажаради.

---

<sup>4</sup> Петров В.В. Философия, семантика, прагматика // Новое в зарубежной лингвистике. Вып. XVI. – М., 1985. – С.471.

Лингвистик прагматика назарияси хусусидаги илк маълумотлар тилшунослик фанининг янги тармоғи сифатида ўтган асрнинг 60 – 70-йилларида бошланган эса-да, бу йўналишнинг пайдо бўлишига туртки берган ғоялар тарихи XIX аср охири – XX аср бошларига бориб тақалади. Бу даврда таниқли ғарб файласуфларининг назарий қарашларида семантиканинг моҳияти аниқланади, семиотиканинг таркибий қисмларига хос дифференциал белгилари кўрсатиб ўтилади.

60 – 70-йилларда тил белгиларининг нутқдаги амалий қўлланишига хос контекстуал хусусиятларини ўрганиш билан тилшуносликда прагматик йўналиш юзага кела бошлади. Лингвистик прагматиканинг шаклланиши йирик олим Л.Витгенштейннинг фалсафий қарашлари билан боғлиқ бўлиб, айнан унинг ишларида прагматика назарий семиотик тадқиқотнинг мустақил соҳаси сифатида кўрсатиб ўтилади.<sup>5</sup>

Прагматиканинг тилшунослик фанининг янги тармоғи сифатида шаклланиши ва тан олиниши 70-йилларнинг иккинчи ярмига тўғри келади. Чунки бу даврда лингвистик прагматика билан алоқадор мақолалар тўплам ҳолида нашр қилинди. Тўплам шу йўналишнинг янги тармоқ сифатида шаклланиши учун бошланғич амалий ва назарий манба бўлиб хизмат қилади. Лингвистик прагматика фалсафий ғоялар таъсирида шакллана бошлади. 1977 йилдан Амстердамда лингвистик прагматикага бағишланган махсус журнал нашр қилина бошланди. Журнал «Нутқшунослик» ва «Текстология»нинг турли йўналишлари билан боғлиқ масалаларни ёритишга бағишланган мақолаларни тўплам сифатида эълон қилишни ўз олдига мақсад қилиб қўйди.<sup>6</sup>

Лингвистик прагматика сўзловчи ижтимоий фаолиятининг нутқдаги реал ифода масалаларини қамраб олади. Прагматикага қизиқиш тилшунослик фанининг алоҳида тармоғи сифатида шаклланиши унинг олдига қатор масалаларни қўяди. Бизнингча, прагматикани тилшуносликнинг бошқа соҳаларидан ажратиш ва унинг тадқиқий манбасини чегаралаш орқалигина уни янги

<sup>5</sup> Петров В.В. *Философия, семантика, прагматика // Новое в зарубежной лингвистике*. Вып. XVI. – М., 1985. – С.471.

<sup>6</sup> Ахманова О., Магидова И.М. *Прагматическая лингвистика, прагмалингвистика и лингвистическая прагматика // Вопросы языкознания*. – М., 1978. №3. – С.44.

тармоқ сифатида талқин этиш мумкин. Лингвистик прагматиканинг энг муҳим жиҳатларидан бири унинг бошланғич чегарасини аниқлашдир. Тилшунос олим В.В.Петровнинг тил ҳақидаги қуйидаги тезиси лингвопрагматиканинг бошланғич тадқиқий чегарасини аниқлаш учун лингвистик асос бўлади: «Инсон қайсидир тилга хос семантик билимларсиз сўзлаши ёки англаши мумкин эмас, аммо ўша тилга хос семантик билимлар эгаси бўлишнинг ўзи ушбу тилда сўзлаш ва англаш учун кифоя қилади дегани эмас, масалан, мусиқали пьеса мазмунидан огоҳлик унинг ижроси учун етарли бўлмайти, бунинг учун, энг асосийси, ижро маҳорати, лаёқати («умение играть»)га ҳам эга бўлиш лозим».<sup>7</sup> Бизнинг қарашимиз бўйича, сўзлаш ва англаш жараёни ҳам худди шундай. Шунинг учун тўғри ва аниқ сўзлаш учун ҳаммага тушунарли бўлган семантик билимларнинг ўзинигина билиш етарли эмас, сўзлаш ва фикрни тўғри ифодалаш учун индивидуал стратегия маҳоратига ҳам эга бўлиш лозим. Нутқий фаолият – тил ҳам худди шундай. Инсон семантик билимларга эга бўлиши мумкин, бунга ижтимоий муҳитнинг ўзи ҳар қандай шахс учун маълум имкониятларни яратади. Бироқ семантик билимларга эга бўлишнинг ўзи инсоннинг сўзлаш, фикрлаш ва ифода мазмунини англаши учун камлик қилади. Инсон тилдаги барча семантик илмларни билиш билан бирга уларни ўз мақсади йўлида танлай олиши ва ифодалаш имконига эга бўлиши лозим. Тилдаги айти мана шу жиҳатларни лингвистик прагматика ўрганади. Фердинанд де Соссюр тилни шахматга қиёслаш натижасида объектив оламдаги предмет, нарса ва ҳодисаларни шахмат доналари сифатида номлаган бўлса (шахмат доналарининг имкониятларини билиш билан бирга ўйин кўрсатишни ҳам билиш керак), Л.Витгенштейн тилга хос умумий қонуниятларни «семантик ўйин» тушунчаси билан ифодалайди. Семантик ўйин қоидаларига кўра, ҳар бир нутқ субъекти учун маълум тушунчалар семантика деб қаралади, ҳар бир семантик ўйинга хос оддий юриш тартиби ҳам синтактика, ўйин иштирокчиларининг ўзига хос стратегия тушунчаси прагматика деб талқин этилади. В.В.Петровнинг таъкидлашича, Л.Витгенштейн айнан семантик ўйин иштирокчиларига хос стратегия

---

<sup>7</sup> Петров В.В. Философия, семантика, прагматика // Новое в зарубежной лингвистике. Вып. XVI. – М., 1985. – С.474.

тушунчасини эътибордан четда қолдиради. Витгенштейн шахмат ўйинининг ҳар бир алоҳида партияси сингари нутқий фаолият жараёнидаги нутқ иштирокчиларининг суҳбатини «семантик ўйин» тушунчаси деб талқин этади. В.В.Петров эса лингвистик прагматика шахмат ўйинидаги алоҳида партияларни эмас, балки ўйин иштирокчиларига хос «юриш стратегия»сини назарда тутишини тўғри кўрсатади. Бизнингча ҳам «семантик ўйин» тушунчаси моҳиятига хос нутқ иштирокчиларининг фикр ифодалаш тактикаси ҳақиқий маънода лингвопрагматик тадқиқий объект деб кўрсатилса мутлақо тўғри бўлади. Лингвистик прагматиканинг шаклланиши хусусидаги асосий маълумотлар Н.Д.Арутюнова, Е.В.Падучеваларнинг ишларида берилади. Улар анъанавий тилшуносликка оид жуда кўп ишларда семантика энциклопедик билимларга тенглаштирилгани, прагматика тўғрисида эса умуман тасаввурнинг йўқлигини таъкидлайдилар. Кейинчалик эса семантика масалаларини тадқиқ этиш жараёни прагматик ҳодисаларга бўлган қизиқишни кучайтирди.<sup>8</sup> Шу асосда борлиқдаги воқеликларнинг тилдаги ифодаланиш даражаси прагматик билимлар сифатида талқин этила бошлади. Тилшуносликнинг бу йўналиши, структурал тилшуносликдан фарқли ўлароқ, тил ва нутқ муаммоларини инсоннинг нутқий фаолияти билан боғлиқ ҳолда тадқиқ эта бошлади. Борлиқдаги воқеликларнинг тилдаги ифодаси энди ўзининг мантиқий, фалсафий ва лингвистик талқинига эга бўла борди.

Кўринадик, семантика, синтаксис ва прагматика каби тилшунослик йўналишлари фан сифатида барабар ривожланмади. Семантика, синтаксис йўналишлари ҳар томонлама ўрганилди-ю, прагматика тадқиқотчилар эътиборидан четда қолди. Бунинг натижасида тилга хос семантик ва синтактик илмлар талқини ҳар жиҳатдан мукамаллашиб боргани ҳолда, конкрет вазият билан алоқадор нутқ субъекти иштирок этган реал нутқий жараёнга хос тилшуносликнинг прагматик йўналиши ўзининг чуқур тадқиқига эга бўлмади. Айниқса, ўзбек тилшунослигида бу масалалар умуман тилшунослар диққатидан четда қолди.

---

<sup>8</sup> Арутюнова Н.Д., Падучева Е.В. Истоки, проблемы и категории прагматики // НЗЛ. Вып. XVI. – М., 1985. – С.3 – 42.

# МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
------------	---

## I БЎЛИМ. ЛИНГВИСТИК БЕЛГИНИНГ УМУМСЕМИОЛОГИК ТАБИАТИ

Лингвистик прагматиканинг амалий шаклланиши .....	5
Лингвистик прагматиканинг назарий шаклланиши .....	11
Лингвистик прагматиканинг умумий масалалари.....	16
Лингвистик прагматиканинг хусусий масалалари .....	21

## II БЎЛИМ. ЛИНГВИСТИК БЕЛГИНИНГ ТИЛ САТҲЛАРИАРО МУНОСАБАТИ

Фонопрагматик талқин – лингвопрагматиканинг бошланғич мезони.....	26
Лексопрагматика хусусида.....	39
Олмош ва атоқли отларнинг прагмасемантик табиати.....	42
Кишилик олмошларига хос прагматик белгилар .....	49
Морфопрагматика ва прагмасинтактик талқин .....	53
Лингвистик прагматиканинг семантика ва стилистика билан муносабати .....	55
Лингвистик прагматика ва социолингвистика.....	64
Белгида ижтимоий-прагматик концептнинг воқеланиши .....	68

## III БЎЛИМ. МАТННИНГ ПРАГМАСЕМАНТИК ТАДҚИҚИ

Матн семантик тузилишининг ўрганилиши .....	72
Матннинг прагмадиктал белгилари .....	85
Ифоданинг семантик тузилиши ва тағмаёно .....	92

Тагмаъно ва пресуппозициянинг	
умумий ва дифференциал белгилари .....	110
Прагматик тўсиқ услубий восита сифатида .....	121
Лингвистик прагматика бирликлари .....	134
Илмий матннинг прагматик хусусиятлари .....	143
Умумий хулосалар .....	151
Прагмалингвистик атамаларнинг қисқача изоҳли луғати .....	154
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати .....	157

*Илмий нашр*

Муҳаммад ҲАКИМОВ

**ЎЗБЕК  
ПРАГМАЛИНГВИСТИКАСИ  
АСОСЛАРИ**

**Муҳаррир:** Абдулла ШАРОПОВ

**Бадий муҳаррир:** Хуршид ИБРОҲИМОВ

**Техник муҳаррир:** Алимардон АҶИЛОВ

**Мусаҳҳих:** Дилрабо МИНГБОЕВА

Нашриёт лицензияси: AI №134, 27.04.2009  
Теришга берилди: 10.10.2013 й.  
Босишга рухсат этилди: 25.11.2013 й.  
Офсет қоғози. Қоғоз бичими 60x84  $\frac{1}{16}$ .  
Arial гарнитураси. Офсет усулида босилди.  
Ҳисоб-нашриёт т.: 8,26. Шартли б.т.: 10,23.  
Адади: 500 нусха.  
Буюртма № 81

«AKADEMNASHR» нашриётида тайёрланди ва чоп этилди.  
100156, Тошкент шаҳри Чилонзор тумани 20<sup>А</sup>-мавзе 42-уй.

**Тел.:** (+99871) 217-16-77  
**e-mail:** [akademnashr@mail.ru](mailto:akademnashr@mail.ru)  
**web-site:** [www.akademnashr.uz](http://www.akademnashr.uz)

Муҳаммад ҲАКИМОВ  
ЎЗБЕК ПРАГМАЛИНГВИСТИКАСИ  
АСОСЛАРИ

Мазкур монография тилшуносликда етарлича тадқиқ этилмаган прагмалингвистика муаммоларига бағишланган. Ишда лингвосемиотиканинг таркибий қисмлари ҳисобланган семантика, сигматика, синтактика ҳамда прагматиканинг умумназарий масалалари ёритилган. Белгининг мантиқий, фалсафий, ижтимоий, психологик ва прагмалингвистик хусусиятлари таҳлил қилинган.

Монография тилшунослик назарияси билан қизиқувчи докторант, магистрант ва тилшунос мутахассисларга мўлжалланган.

ISBN 978-9943-4254-1-5



9 789943 425415